ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 7 июн, чоршанба № 97 (2146)

# ISHONCH

Ушбу сонда:

2 ЭЛИ СОҒНИНГ – КЎНГЛИ ЧОҒ

3 МЎЙНОҚ БАЛИҚЧИЛАРИ

4 БУЮКЛАР ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ

**«Ғалла — 2006»**

# ХИРМОН ТЎЛИБ, ТЎКИЛДИ ДОН

***Қумқўрғоннинг 8140 гектарлик ғаллазорларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари қизғин паллага кирди. Марра арафасидаги туман аҳлининг ютуқларига С.Бойматов номли ширкат хўжалиги муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ҳақда бизга жамоа раиси Туроб Жумаев қуйидагиларни гапириб берди:***

— Бу йил хўжалигимиз ғаллакорлари 1696 гектар майдонда ғалла етиштирдилар. Тажрибали деҳқонлар Баҳодир Кенжаев, Ҳофиз Суюнов, Қўзи Музрапов, Икром Чориев, Чори Максимов, Бахтиёр Маматраимовлар етакчилигидаги жамоаларнинг саъй-ҳаракати билан ғалла майдонининг ҳар гектаридан 50-56 центнергача ҳосил олинаяпти. Давлатга 4500 тоннадан ошириб дон етказиб беришни кўзлаганмиз. Аҳдга яраша ўрим-йиғим ишлари кеча-ю кундуз пухта олиб борилаяпти. Дала бошида кўчма тиббий пункт ташкил этдик. Меҳнаткашлар учун бепул иссиқ овқат йўлга қўйилди. Мавсум якуни билан хўжалигимиз комбайнчилари Норбой Алимардонов, Гулбой Бердимуродовларга 2 тоннадан, дон ташувчи шофёрларимиз М.Абдураимов, М.Маматраимов, Б.Бобомуродовларга бир тоннадан буғдой тарқатамиз. Ҳосилдорликнинг 45 центнердан ошиғи пудратчилар ихтиёрида қолдирилади...

Ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси қўшма қарор асосида оилавий пудратчилар орасида беллашувлар ташкил этган. Унга асосан, юқори ҳосилдорликка эришган уч оилавий пудратчи хўжалик ҳисобидан республика сиҳатгоҳларида бепул соғлиқларини тиклайди. Яна 10 нафар пудратчи Сангардак тоғ тизмалари бағридаги «Хонжиза» дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришади. Хирмон бошида ижарачи Чори Максимовни суҳбатга тортдик.

— 8 гектар ерда оилам билан ишладим, — дейди у. — Мана кўриб турибсиз, ҳосилдорлик ҳисоб-китобим бўйича 55 центнердан ошади.

«Бешқаҳрамон» ширкат хўжалигига қарашли ғалла ўрилаётган майдонда хўжалик раиси Ф.Маматмуродов билан гуруҳ раҳбари Жума Чоршанбиевлар галдаги ишларни режалаштираётган экан. Туман ҳокими Нормўмин Чориев бизни гуруҳ раҳбарига таништирар экан, унга қарата: «ишларингиз билан сиз ҳам бир мақтанинг» деб қўйди.

— Гуруҳимиз комбайнчиларининг зиммасига «Тумор», «Акмал-Беҳзод», «Ишонч» фермер хўжаликлари ҳамда «Бешқаҳрамон» ширкат хўжалигига тегишли жами 475 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш вазифаси юклатилган, — дейди Жума Чоршанбиев мамнуният билан. — Комбайн оператори Бойсоат Ёдгоров бир ҳафтада 2500 тонна ғаллани йиғиштириб берди.

Х.Раҳимов бошлиқ 15-гуруҳ ва Х.Мавлонов раҳбарлик қилаётган 12-гуруҳ комбайнчилари ҳам ўрим-йиғимда пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига туманнинг салкам 20 минг тонналик ғалла хирмони тобора юксалиб бормоқда.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



*Республика касаба уюшма ташкилотларида*

## ЎҚИТУВЧИ-БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАР

**куч синашишди**

**Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда тармоқ ходимлари ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш долзарб вазифалардан. Шуни ҳисобга олиб, Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан «Спорт — соғлиқ гарови» шиори остида ўқитувчи-байналмилалчи жангчилар ўртасида вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар спортнинг минифутбол, шахмат, шашка, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича беллашдилар. Қизғин ва муросасиз ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Сариосиё тумани спортчиларига насиб этди. II ва III ўринларни эса шўрчиликлар ҳамда Узун тумани спортчилари эгаллашди. Бундан ташқари, «Энг фаол иштирокчи», «Энг кекса иштирокчи», «Ғалабага бўлган ишонч» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Юқори ўринларни эгаллаган жамоаларга вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

## «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»

**касаба уюшма оталиғида**

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига асосан Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бир қатор хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда.**

Унга биноан Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 550 минг сўм ўтказиб берилди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашлари ҳамда вакилликларининг доимий диққат-марказида бўлиб келмоқда.

## ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРГА ТЕЛЕВИЗОР

**Саховатпешалик халқимизда азалдан олий фазилат ҳисобланади. Муборакдаги газни қайта ишлаш корхонасида бу каби ишлар анъанага айланган.**

Яқинда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Қарши шаҳридаги кар-соқовлар махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларига 2 та телевизор, гилам, спорт жиҳозлари ва мебел совға қилишди. Шунингдек, Муборак туманидаги ногиронларга ҳам 7 та аравача ҳамда турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар хайрия сифатида берилди.

## АНДИЖОНДА ФАН ОЛИМПИАДАСИ

**Андижон муҳандислик институтида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» факультети бўйича олий ўқув юртлари талабалари республика фан олимпиадасининг 2-босқичи ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг 21 та олийгоҳларидан иштирокчилар қатнашди.**

Қатнашчиларнинг мароқли дам олишлари ҳамда бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан барча шароит яратиб берилди. Институт «Наврўз» бадиий дастасининг ёшлик, муҳаббат ҳамда ватанпарварлик руҳидаги концерт дастури талабаларда катта таассурот қолдирди. «Қувноқлар ва зукколар» жамоаси эса ҳажвий чиқишларини намойиш этдилар.

Ғолиблар 2 кун давомида аниқланди. 1-ўрин Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Мурođжон Охуновга, 2-ўрин Тошкент темир йўллар институти вакили Ярослав Ягофоновга, 3-ўрин эса Фарғона политехника институтидан келган Олимжон Йўлдошевга насиб этди.

## ОРОМГОҲЛАР МАВСУМИ

**Болаларни ёзги таътил кунларида мазмунли ва мароқли дам олишларини кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қўшма қарор қабул қилган эди.**

Унга биноан, жорий йилда 3 босқичда 47минг нафардан зиёд болалар оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришади. Мавсумга тайёргарлик мобайнида санитария-гигиена меъёрлари талабларининг бажарилиши юзасидан Тошкент вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан бир қатор ишлар бажарилмоқда.

Айни вақтда, Паркент туманидаги «Орзу», Ўртачирчиқ туманида жойлашган «Нептун» болалар оромгоҳларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

**Ўз мухбирларимиз**

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда*

***Марғилон Педагогика коллежи республикамиздаги ўрта махсус ўқув юртлари орасида энг нуфузли билим масканларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда 2220 нафар талаба «Мусиқа таълими», «Мактабгача таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси», «Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи ва меҳнат ўқитувчиси», «Хорижий тиллар ўргатувчи тарбиячи», «Мактабгача тарбия» ҳамда «Ўқув муассасаларида бошланғич компьютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи» каби йўналишлар бўйича билим олаяпти.***

## БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАР

**эртанги кунимиз бунёдкорлари**

Кадрлар тайёрлаш асосини ташкил этувчи узлуксиз таълим тизимини янги дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, маъруза матнлари билан таъминлаш, ҳар бир фан бўйича мукаммал ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқув йили давомида изланувчан, фидойи педагоглар — мусиқа ўқитувчилари Л.Турсунованинг "Дилдан куйлаб, ўйнаб-қувнаб", Н.Солиевнинг "Мусиқа саводи алифбоси", М.Қосимовнинг "Болалар боғчасида ўзбек халқ миллий рақслари", А.Рустамова ва педгогика фанлари номзоди Б.Фозилова муаллифлигидаги "Оилашунослик" дарсликлари чоп этилиб, Республика олий ва ўрта махсус таълим маркази томонидан коллежлар кутубхонасига тарқатилди.

Билим юртида таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Фарғона Давлат университети билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда фан хоналарини замонавий жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Коллеж ўқитувчи ва талабалари интернет тармоғининг беқиёс имкониятларидан яхши фойдаланмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июн куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июн куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

***Фарғоналиклар қабул пунктларига икки минг тонна қимматбаҳо хомашё топшириб, пилла сотиш шартнома мажбуриятини ошиғи билан бажаришди.***

## ВОДИЙНИНГ КУМУШ ТОЛАСИ

Озуқа базасининг мустаҳкамлангани, мавсумга малакали мутахассислар жалб этилиб, пиллакорларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароит яратилгани ютуқлар омили бўлди.

Пилла етиштиришда Бешариқ тумани миришкорлари карвонбошилик қилдилар. Фурқат, Данғара, Учкўприк туманлари ҳам илғорлар сафидан жой олди. Наслли ипак қурти уруғчилигига ихтисослашган Тошлоқ туманидаги «Заркент», Фарғона туманидаги «Ғалаба», «Оқолтин» ҳамда Қувасой шаҳридаги «Арсиф» ширкат хўжаликлари пиллакорлари ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.



## ЎҚУВ ЖОНЛИ ЎТМОҚДА



ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг ҳудудий вакилликлари, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти кенгашлари ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмиталари бош ҳисобчилари ва ҳисобчилари ўқуви давом этмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши мутахассислари, олимлар томонидан касаба уюшмалари бюджети сметаларини тузиш, маблағлари ва мулкларини шакллантириш, уларни бошқариш ҳамда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзуларда ўқилган долзарб маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

***Суратларда: ўқув машғулотлари жараёнидан лавҳалар.***

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Қарор ва ижро*

## ҲИСОБ-КИТОБ ВАҚТИДА БЎЛСА

**нуронийлар толиқмайди**

***Энергетика соҳасида Ўзбекистон ўзини-ўзи таъминлайдиган мамлакатлар қаторига киради. Шундай бўлса-да, энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Чунки энергия ресурслари қанчалик кўп тежалса, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилса, ишлаб чиқарилаётган товар-моддий бойликлар, кўрсатилаётган хизматлар нархи шунчалик арзонлашиб бораверади.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик чун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такмоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари асосида бу йўналишда республикамизда маълум ишлар амалга оширилмоқда. Солиқ хизмати органлари қарор ижросини таъминлаш, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида назорат ишларини тобора кучайтирмоқдалар.

Ўтказилаётган таҳлиллар натижасида 2006 йил 1 январ ҳолатига 1188 та юридик шахснинг энергия бўйича 5188,1 миллион сўм дебитор қарзлари мавжудлиги аниқланган эди. Фойдаланилган энергия учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш, дебиторлик қарзларни қисқартириш мақсадида ўтган ойларда 155 та рейд-мониторинг ўтказилиб, шундан 6 та ҳолатда 5092,1 минг сўм миқдоридаги электр энергиядан ноқонуний фойдаланилганлиги аниқланди. Жумладан, Нукус шаҳрида жойлашган «Наташа опа» хусусий фирмасида электр ўлчагичдан пломбасиз фойдаланилаётганлиги, «Абу Али ибн Сино» хусусий дорихонада эса электр ўлчагич умуман ўрнатилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар бўйича Нукус шаҳар электр тармоқлари корхонасига белгиланган тартибда чора кўриш учун тақдимномалар киритилди.

Бундан ташқари, Беруний, Тўрткўл, Нукус туманлари, Тахиатош ва Нукус шаҳарларида олдиндан 30 фоизлик тўловлар амалга оширилмаган ҳолда электр энергиясидан фойдаланиш одат тусига кириб қолганлиги ҳам маълум бўлди. Бундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган корхоналарга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.

Муддати ўтган дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича солиқ идоралари 207 та юридик шахснинг 479,9 миллион сўм қарзлари бўйича ҳужжатларни реестрлар бўйича қабул қилиб олдилар. 4 та юридик шахснинг 366,3 миллион сўм қарзи тўлиқ ва қисман ундириб олинди. 199 та юридик шахснинг 479,1 миллион сўм қарзини ундириш бўйича хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли 2006 йилнинг 1 май ҳолатига 107 та суд буйруғи ижроси таъминланиб, 82,9 миллион сўм муддати ўтган дебиторлик қарзлари ундириб олинди. Жумладан, 24,8 миллион сўм миқдоридаги қарзлар қарздор корхоналар мол-мулкига қаратилди.

Йирик миқдордаги муддати ўтган дебиторлик қарзлар таҳлил этилганда, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, «Ўзкоммунхизмат», «Ўзгўштсутсаноат», «Ўздонмаҳсулот» тизимидаги корхоналар раҳбарлари истеъмол қилинган энергия учун ҳисоб-китобларни амалга оширишга ниҳоятда лоқайдлик билан қараётганликлари аниқланди. Биргина «Ўзкоммунхизмат» тизимидаги корхоналар бугунги кунда электр тармоқлари корхоналаридан 189,5 миллион сўм қарз бўлиб туришибди. Деҳқон ва фермер хўжаликларидаги аҳвол бундан-да ёмон. Муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Давлат солиқ органлари ва электр тармоқлари корхоналари мутахассислари жойларда бўлиб ўтаётган семинар-йиғилишлар ва бевосита мулоқотларда фойдаланилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш фойдали эканлиги, акс ҳолда қимматга тушиш мумкинлиги тушунтирилмоқда. Ўтган ойларда ҳукумат қарорининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланган 32 та семинар-йиғилиш ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида 51 та чиқишлар ташкил этилди. Электр энергиясини истеъмол қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга муддати ўтган дебиторлик қарзларини камайтириш ва тугатишга кўмаклашувчи тавсиялар берилди.

**Нурали ЧЎЛИЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи**

# 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили



## «ЧИМЁН» — ВОДИЙ МЎЪЖИЗАСИ

«Чимён» сиҳатгоҳида, дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд.

Жорий йилнинг ўзида бу ерда физиотерапия ва шам билан даволаш учун қўшимча муолажа хоналари ташкил этилди. Бу эса 120 нафар дам олувчига бир вақтнинг ўзида тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

Сиҳатгоҳ ўз қаъридан отилиб чиқаётган шифобахш сувининг мўъжизавий жиҳатлари билан бошқа сиҳатгоҳлардан ажралиб туради. Бу ерда юрак, қон-томир системаси, таянч ва ҳаракат органлари, асаб системаси ҳамда тери касалликлари мазкур маъданли сув ёрдамида даволанади.

— Оёқ оғриғи кўп йиллардан бери безовта қиларди, — дейди Ўзбекистон тумани Оқтепа қишлоғилик Қосимали Мамадалиев. — Сиҳатгоҳга келиб, оёқ оғриғидан буткул халос бўлдим. Шу сабабли ҳар йили дам олиб, соғлиғимни тиклаб қайтаман. Бундан ташқари, бу ердаги тинчлик-осойишталик, озодаликдан ҳар қандай кишининг кўнгли кўтарилади. Шунингдек, шифокор ва ҳамшираларнинг ширинсуҳанлиги ва бу ерда даволаш учун керакли бўлган барча шароитларнинг мужассамлиги ҳам барчага маъқул бўлмоқда.



***Суратларда: ҳамшира Эътиборхон Маҳкамова; «Чимён» сиҳатгоҳининг кўриниши.***

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ЭЛИ СОҒНИНГ — КЎНГЛИ ЧОҒ

***Шифокорлик машаққатли, айни пайтда шарафли касб ҳисобланади. Масъулиятли меҳнатимизга юксак баҳо берилаётганлиги куч-ғайратимизни янада ошириб юборди. Юртбошимизнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бозор иқтисодиёти шароитида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг намунасидир.***

Вилоятимизда 2 миллион 414,5 минг нафар аҳоли бўлиб, унинг 75,1 фоизи қишлоқларда яшайди. Фуқароларга 13 та туман, 1 та шаҳар, 27 та қишлоқ шифохоналари, 15 та давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, 81 та қишлоқ врачлик амбулаториялари, 204 та қишлок врачлик ва 351 та фельдшер-акушерлик пунктлари ва бошқа даволаш-профилактика муассасалари малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларда ишлаётган 5262 нафар врач, 23 минг 857 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Ходимларнинг билими ва малакасини ошириш доимий эътиборимизда турибди. Вилоят ҳокимлиги ажратган 5 миллион сўм маблағ ҳисобига 20 га яқин акушер-гинеколог ва болалар шифокорлари Россия ва Украинада малака ошириб қайтдилар. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида Осиё тараққиёт банкининг моддий ёрдами билан ҚВПларда ишлайдиган шифокорлардан 40 нафари «Умумий амалиёт врачи» малакаси бўйича ўн ойлик махсус курсларда ўқитилди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Давлатимизнинг «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сиҳат-саломатлик йили» дастурлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом авлод туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳақида»ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда туғиш ёшидаги аёлларнинг 608 минг нафари тиббий кўрикдан ўтказилди ва экстрагенетал касаллик борлари шифохоналарда соғломлаштирилди. Оилада баркамол авлодни вояга етказиш, соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Йигит-қизларни турмушга тайёрлаш, оилани шакллантириш, соғлом авлодни дунёга келиши ва камол топиши ҳақидаги тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш мақсадида жойлардаги ФҲДЁ бўлимлари билан ҳамкорликда «Ёш оила мактаби» ташкил этилиб, никоҳдан ўтувчилардан 10,5 минг нафари ўқитилиб, тиббий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамладилар. «Эрта ва қариндош уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш», «Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш профилактикаси», «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш» мавзуларида давра суҳбатлари ва мулоқотлар уюштирилди. Йод ва темир моддаси танқислигини бартараф этиш, зарарли одатлардан воз кечиш, ичкиликбозлик, ОИТС, кашандалик ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича қишлоқ ва маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ташкил қилинган савол-жавоб кечалари ёшларда катта таассурот қолдирди. «Она ва бола скрининг» марказида Фенилкетонурия ва туғма гитеркоз касаллигини аниқлаш мақсадида 15 минг 840 та таҳлил олиниб, ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш чоралари кўрилди.

ДОТС дастурига мувофиқ Германиянинг КВФ банки ва Бельгиянинг Домиен жамғармаси томонидан сил касалликлари диспансерларига 26 та бинокуляр микроскоп ва музлатгичлар, 18 дона ФАКС аппаратлари берилди. Вилоят сил касалликлари диспансерини таъмирлаш учун электр тармоқлари, газ таъминоти, «Қашқадарётранс» ташкилотлари 100 миллион сўм ҳомийлик маблағи ажратди. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган беморларни дори-дармонлар билан таъминлаш учун 160 миллион 486 минг сўм бюджет маблағлари сарфланди. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, Яккабоғ ун комбинати ва бошқа ҳомийлар ҳисобидан 152 миллион 824 минг сўмга 19 та санитар машиналари олиб берилди.

Даволаш-профилактика муассасаларини ривожлантиришни назарда тутиб, «Ўзмедэкспорт» фирмаси билан тузилган шартномага асосан 300 миллион сўмлик 14 дона гастрофиороскоп, 14 дона УЗИ, 14 та катта жарроҳлик асбоблари тўплами олиш режалаштирилган. Вилоятнинг марказлаштирилган маблағи ҳисобига 13 та туман ва 1 та шаҳар марказий шифохонасига 166 миллион сўмга 14 дона Япониянинг гастрофиороскоп аппаратлари олиб берилганлиги ташҳислар самарадорлигини яхшилаш имкониятини яратди.

Шаҳрисабз туман марказий шифохонасига Япония элчихонаси томонидан 54 минг 840 доллар миқдорида грант ажратилиб, унга 2 та «Фукуда-4100» УТТ ва 1 та «Olympus» гастрофиороскопи олинди. Вилоят эндокринология диспансерига 7,1 миллион сўмлик компьютер, кўпайтиргич, видеокассета ва бошқа жиҳозлар олинди. СДС ташкилоти томонидан вилоят ОИТС марказига 27 минг долларлик совутгич, музлатгич, компьютер, лаборатория-диагностика аппаратлари тўплами беғараз ёрдам сифатида ҳадя этилди.

«Соғлом оила» дастури бўйича даволаш-профилактика муассасаларига катта миқдорда мурувват ёрдами кўрсатилди. Китоб, Касби, Чироқчи, Деҳқонобод, Нишон туман марказий шифохоналари, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиалига 758 минг 685 АҚШ долларлик жарроҳлик асбоблари, сарфлов материаллари олиб берилди.

«Тиббиётни ислоҳ қилиш» давлат дастурига асосан ўтган йиллар давомида 204 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни чоғда вилоят кардиология ва урология ихтисослашган марказларини таъмирлаш давом этмоқда. Ҳар иккала даволаш муассасасига республика «Ўзбекнефтгазхолдинг» компанияси томонидан 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ ажратилган. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлигининг марказлашган маблағларидан 473 миллион сўмлик лапараскоп, эндоскоп, ултратовуш, катта жарроҳлик тўпламлари ва бир қанча замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Хайрия ташкилотлари ва жамғармалар тиббиёт муассасаларини 2 миллиард 99 миллион сўмлик моддий ёрдам билан қўллаб-қувватладилар.

«Ҳомийлар ва шифокорлар» йили дастурида вилоятимиз тиббиётини янада ривожлантириш режалари ишлаб чиқилган. Туманлардаги 83 та қишлоқ врачлик амбулаториялари ҚВПларга айлантирилиб, аҳолининг бирламчи тиббий ёрдам олиши учун шароит яратилди.

Жорий йилда вилоят ва туман ҳокимликлари, тадбиркорлар ва фермерлар ҳиммати билан Миришкор, Косон, Қарши, Касби, Нишон туманлари тез тиббий ёрдам бўлимлари учун беш донадан, вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларига 95 та, «Шўртангазкимё», Муборак газни қайта ишлаш заводи, Талимаржон иссиқлик электр станцияси, «Муборакнефтгаз», «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхоналари, вилоят «Пахтасаноат» уюшмаси томонидан элликдан зиёд «Дамас» автомашиналари олиб берилади. Вилоят сил касалликлари, онкология, наркология диспансерлари, болалар шифохонаси, Нишон, Касби, Қарши туман марказий касалхоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Муборакда «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлими биноси қад кўтаради. Косон туманидаги Хўжақудуқ қишлоғида маъданли сув билан даволайдиган физиотерапия шифохонаси қурилиши ниҳоясига етказилади.

Тиббиёт масканлари қурилишига 4,5 миллиард сўм маблағ сарфланади. Келгуси йил Қаршида кўз касалликлари бўйича ихтисослаштирилган микрожарроҳлик марказини очиш режалаштирилган. Яқинда академик Воҳидов номли республика ихтисослашган жарроҳлик маркази мутахассислари воҳамизда бўлиб, тиббий муассасалар ходимларига ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам кўрсатишди. Улар республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Қарши филиали, вилоят ва туман шифохоналарида ошқозон-ичак, жигар ва ўт йўли касалликларини даволаш бўйича жарроҳлик амалиётлари ўтказишди. Олис қишлоқ касалхоналарида даволаш-муолажа ишларини амалга оширдилар.

Жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши нафақат инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, балки тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш ва малакали мутахассислар тайёрлаш учун янги имкониятларни очиб беради. Меҳнати муносиб қадрланган ҳар бир шифокорнинг ўз ишига нисбатан меҳрини ошириб, масъулиятини кучайтиради.

**Раҳматулла РАҲМОНОВ, Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори**

## УМИД ТОНГДА ЮКСАЛАДИ

***Бахт ҳавода эсмайди, у Яратганнинг муруввати ила меҳнат туфайли яратилади. Баъзан ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб, азиз бош деворга урилганида ҳам меҳнат юксакликка ундайди. Фаровонликка, тўқликка замин яратади. Тўқлик эса кўнгилга меҳр солиб, саховатпешаликка йўналтиради.***

Буни Ёқутхон опа яхши билади. Умрини муқаддас касбга бағишлади. Меҳнати туфайли қадр топди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими унвонига сазовор бўлди. Шахсий ҳаётда ҳам бахти тўкис. Умр йўлдоши Иброҳим Қўчқоров таниқли қурувчи, ажойиб ота, садоқатли рафиқ. Фарзандлари Муқаддас ва Давронбекларни айтмайсизми! «Қуш уясида кўрганини қилади» деганлари ҳақ. Муқаддас онасига ҳавас қилди, унинг сингари моҳир шифокор бўлди. Онаси раҳбарлик қилаётган «Динур» соғломлаштириш марказида эндокринолог-шифокор сифатида фаолият юритмоқда. Давронбекнинг йўриғи яна ҳам бошқа. Босаётган қадамлари кенг, ўйловлари ҳам...

Давронбек Москвада ўқиб юрганида, Ёқутхон опа соғиниб, боласини қўмсаб юрар, юрагининг қаърида умид олмосдек порлар, нури-дийдасининг истиқболи порлоқ эканлигига шак-шубҳа қилмасди. Она кўнгли алдамади, ўғли дунё бизнесининг сир-синоатларини англаб қайтди. Дастлаб, у ишни дорихоналар очишдан бошлади. Сўнг эса Соғломлаштириш маркази ташкил этсак, деб қолди.

Ёқутхон опанинг дилида мудраб ётган орзулари қанот қоққандек бўлди. Соғломлаштириш марказини «Динур» деб атадилар. Бунинг маъноси «Давронбек — Иброҳим — Нурулла» (Нурулла Давронбекнинг фарзанди). Иш кўлами кун сайин кенгайиб борди. «Пахтабанк»нинг Тўрткўл бўлимидан 40 миллион сўм миқдорида кредит олиниб, мўъжаз иморат таъмирланди, қарабсизки барчанинг ҳавасини келтирадиган соғломлаштириш гўшасига айланди-қолди. Зарур жиҳозлар билан жиҳозланиб, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. «Динур» тўрткўлликларнинг меҳр қўйган саломатлик масканига айланиб қолди.

Бу ерда беморнинг соғлиғини тиклаш учун барча шарт-шароит яратилган. 12 нафар фидойи ходим бош шифокор Ёқутхон Эшмуродова йўл-йўриқларига амал қилган ҳолда эл-юрт саломатлиги йўлида сидқидилдан фаолият юритмоқда. Дародан буромад, деганларидек, марказнинг молиявий аҳволи ҳам ёмон эмас. Ёрдам сўраб келаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга имкон қадар кўмаклашилмоқда. Жумладан, Чимбой туманидаги «Мурувват», Тахиатошдаги «Нуронийлар» уйларига, «Кўзи ожизлар жамияти»га мунтазам ҳиммат кўрсатиляпти. Кам таъминланган оилаларнинг 5 нафар фарзандига суннат тўйи қилиб берилди. Ногиронлар, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, дори-дармондан қарашилмоқда.

Давронбек Кўчқоровнинг изланишлари, орзулари юксак. У 2005 йили «Динур» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасига асос солди. «Динур» соғломлаштириш маркази эса қўшма корхона қошидаги мустақил муассасага айлантирилди. Аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш мақсадида қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия, Қозоғистон, Украина, Белоруссия ва бошқа давлатлар билан ўзаро шартномалар тузилди. Мавжуд дорихоналар сони кўпайтириляпти. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида қўшма корхона уч банддан иборат режа тузди. Унга кўра, даставвал, Тўрткўл туманидаги соғломлаштириш марказида хизмат турларини кенгайтиришга киришилди. Бундан ташқари, Нукус шаҳрида худди шундай саломатлик муассасаси очиш кўзда тутиляпти. Иккинчидан, «ходимларнинг соғлиғини ҳимоя қиладиган раҳбар» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида қатор корхона ва ташкилот раҳбарлари билан мулоқотга киришилди. Учинчидан, «Маҳалла соғлиғи — бизнинг ташвишимиз» лойиҳасига асосан фуқароларни имтиёзли тиббий кўрикдан ўтказиш кўзда тутиляпти.

Режа бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 нафардан ортиқ тиббиёт ходими иш билан таъминланади. Яна 60 миллион сўмлик тиббий хизмат кўрсатилади. 4 минг нафардан ортиқ муҳтож фуқаро ижтимоий ҳимояланиб, 15 миллион сўмлик хайрия ишлари амалга оширилади.

**Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири**

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

***Тошкентдаги Le Grand Plaza меҳмонхонасида 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия кечаси ташкил этилди.***

Меҳмонхонанинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими менежери Лола Шоисломова, мазкур тадбир Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланганини таъкидлади. Ота-она меҳридан маҳрум бўлган етим болалар, меҳрибонлик ва ногиронлик уйлари тарбияланувчиларининг муаммолари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши ҳам ушбу масаланинг қанчалар долзарб эканини кўрсатиб турибди. Меҳмонхонамиз меҳнат жамоаси ҳам ушбу хайрли ташаббусдан четда қолмай, болалар учун байрам тадбирини ташкил этди, —дейди у.

Болалар яқиндагина таъмирланиб, фойдаланишга топширилган катта бассейн бўйида ёзилган дастурхондаги нозу-неъматлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, ташкилотчилар томонидан ташкил этилган совринли ўйин ва танловларда иштирок этди.

**«Туркистон-пресс»**



## БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАР

### эртанги кунимиз бунёдкорлари

(Боши 1-бетда)

27 мингдан ортиқ китоб фондига эга кутубхона электрон дарсликлар билан бойитилган. Ўқитувчи ва бўлажак тарбиячилар улардан унумли фойдаланяптилар. Бу ердан барча умумтаълим ва ихтисослик дарсликларини, бадиий адабиётлар, ижтимоий-сиёсий методик қўлланмалар ҳамда маъруза матнларини топиш мумкин. Бундан ташқари, бир ойда бир марта "Иқтидор" газетаси нашр қилиниб, мавжуд 91 та гуруҳ, кутубхона ва ўқитувчилар хонасига тарқатилади. Унда устоз ва талабалар ижодидан намуналар, талабалар ҳаётидан лавҳалар бериб борилади.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фаолиятимизнинг асосий мезонидир, - дейди коллеж директори Қодиржон Эшонов. — Жамоамизда устоз-шогирд анъанаси азалдан давом этиб келмоқда. Ҳар бир ёш ўқитувчи тажрибали педагог ва ўқув усталарига бириктирилган. Бу эса ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини дадил жорий этишда ва бўлажак тарбиячиларнинг бугунги кун талабига жавоб бера оладиган фидойи касб эгалари бўлиб етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Коллеж ҳаёти билан танишиш асносида, билим маскани ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуига эга эканлигига, қолаверса, бу ерда жисмоний ва маънавий камолот гарови бўлмиш спортга катта эътибор қаратилаётганлигига амин бўлдик. Талабалар мажмуада нафақат дарс машғулотлари пайтида, балки дарсдан бўш вақтларида ҳам ўзлари ёқтирган спорт тури билан машғулдирлар. Натижада улар турли мусобақаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишяпти. Масалан, "Баркамол авлод" спорт мусобақалари вилоят босқичида коллеж волейболчилари вилоятда фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Қўл тўпи бўйича ҳам шундай натижа қайд этилди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида Даврон Отабеков, Илҳом Тоштемиров, Миродил Мадумаров, Махфират Юсуповалар вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Кўҳна Марғилон бу йил ўзининг 2000 йиллик тўйини нишонлайди. "Тўйга тўёна билан" деганларидек, бу байрамга коллеж ўзининг бир қанча тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Шаҳар тарихини чуқур ўрганиш мақсадида экскурсиялар уюштирилмоқда. Талабалар шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам бевосита қатнашишмоқда. Бундан ташқари, келаси йили коллежнинг 80 йиллик тўйига бағишлаб билим маскани тарихини акс эттирувчи музей ташкил қилиняпти.



**Зоҳиджон БОЛТАБОЕВ, «Ишонч» мухбири**

***Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар***

## ИСЛОҲОТГА

***Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикаси сафарида бўлган чоғларида мустақиллик йилларида ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишарқан, Орол минтақаси аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш соҳасида ҳали кўпгина саъй-ҳаракатлар қилиш лозимлигини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қарор топтириб, қўшма корхоналарни кўпроқ ана шу жойларга жалб этишни ҳамда шу йўл билан инфратузилмани шакллантириб, меҳнат бандлигини таъминлашни алоҳида таъкидлаганди.***

Орол денгизининг қуриб бораётгани ва ноқулай табиий иқлим кўпгина ишлаб чиқариш соҳаларига жиддий зиён етказмоқда. Аммо қорақалпоғистонликлар мард, бир сўзли ва ориятли халқ. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбарининг илҳомбахш сўзлари уларга нафақат далда берди, балки ишбилармонлик ва тадбиркорлик ишларини жадаллаштиришга кенг йўл очди.

Тўрткўл туманида бундан беш йил аввал ташкил этилган «Гулнур» хусусий корхона жамоаси давр даъватига «лаббай» деб жавоб берганлар сирасидан. Лойиҳа смета ва истиқболли бизнес-режалар тузилгач, туман мутасаддилари жамоани қўллади, етарлича шароитлар яратилди. Корхона фаолияти учун жой танлаш ҳам қийин кечмади. «Оролсувқурилиши» трестига қарашли, бироқ кейинги даврда фаолияти сусайиб қолган ташкилот тасарруфидаги ташландиқ омборхона ажратиб берилди.

Шундан сўнг банкдан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиниб, «Хива — Карпет» ишлаб чиқариш корхонасидан шартнома асосида дастгоҳлар келтирилди. Ишнинг бошланишида мутахассислар етишмас эди. Хоразм вилоятидан соҳа усталари таклиф этилди. Қисқаси, орадан ҳеч вақт ўтмай, «Гулнур» ёрлиғи билан илк маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Маҳаллий ёшлар, қишлоқ хўжалиги соҳаларидан бўшаб қолган кишилар таклиф қилиниб, қайта ихтисослаштирилди, корхона ҳисобидан ўқувлар ташкил қилинди.

Цеҳларда тайёрланаётган сифатли гилам маҳсулотларига нафақат Қорақалпоғистонда, балки Хоразм ва Туркманистонда ҳам талаб-эҳтиёж кўпайди. Асосий эътибор маҳсулот сифати ва унинг турларини кўпайтиришга, ишчиларни моддий қўллаб-қувватлашга ва етарлича шароитлар яратишга қаратилди. Бу ўз-ўзидан моддий манфаатдорликнинг ошишига, иқтисоднинг бақувватлашувига имкон берди.

Масалан, дастлабки йилда сотилган маҳсулотдан 24 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Бунинг ҳисобидан меҳнат аҳлига бепул тушлик ташкиллаштирилди, уларнинг ишга бориб келишига шартнома асосида техника ёлланди, узоқдан қатновчилар учун эса ётоқ жойлар ажратилди.

Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми корхона фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилди. Атрофдаги ташландиқ бинолар қайта таъмирланиб, қўшимча 4 та цех қурилди. 2,7 гектар майдоннинг шўри ювилиб, боғ барпо этилди. Ичимлик суви, табиий газ, электр энергия линияси тортилди. Бу яна 50 нафар кишининг доимий бандлигини таъминлашга омил бўлди. Шунингдек, ёрдамчи хўжалик ташкиллаштирилиб, чорва моллари бош сони кўпайтирилди ва ишловчиларнинг сут, қатиқ, гўшт каби маҳсулотларга бўлган талаби қондирилди. Бундан ташқари, ён-атрофдаги маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган кишилар, ногиронлар корхона оталиғига олинди.

Айни пайтда тўртта цехда замонавий ускуналарни ўрнатилиб, 7 хилдаги аҳолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Ваҳоланки, ана шу цехлар ўрнидаги катта-катта омборлар бир вақтлари бозор рақобатига бардош беролмаган ташкилот ихтиёрида бўлиб, қаровсизликдан ҳувиллаб қолганди. Меҳнат аҳлининг бу каби саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди. «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент Фармони бизнес-режани кенгайтириш ва янги линиялар олиб келиб, ишчи ўринлари яратишга омил бўлди.

Корхона тумандаги

## Оролбўйидан мактублар

**_Қорақалпоғистон шимолидаги Мўйноқ Марказий Осиёда балиқчилик саноати тараққий этган йирик ишлаб чиқариш тумани ҳисобланган. Денгизнинг чекиниши оқибатида луқмаи ҳалол етиштириш кескин камайиб кетди. Шунга қарамасдан, жаҳон ҳамжамиятининг қўллаб-қувватлаши, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътибори туфайли мавжуд сув манбаларини сақлаб қолиш, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганлиги ижобий самара беряпти._**

# МЎЙНОҚ БАЛИҚЧИЛАРИ



Халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг молиявий ёрдами билан Оролбўйи минтақаси ва Амударё ҳавзасида кичик кўллар ташкил қилиш лойиҳаси ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги экологик вазиятни юмшатиш имконини яратди. Дарёоралиқ сув омбори ва Пурлитовда улкан тўғоннинг бунёд этилиши об-ҳаёт заҳираларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Арал-инвест», «Арал-Артмеия компани» қўшма корхоналари технологияси асосида денгиз сувини чучуклаштириш, флора ва фаунани сақлаб қолишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмяпти. «Ажиниёз» ва «Мўйноқ балиқ консерва комбинати» очиқ ҳиссадорлик жамиятларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бу муҳим тармоқни юксалтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини яхшилаш вазифаси белгилаб берилган.

– Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган «Республика балиқчилик хўжаликларига табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби» тўғрисидаги Низомга мувофиқ янги мулк шаклига ўтиб ишлай бошладик, – дейди «Амударё» очиқ акциядорлик жамияти раиси Қуанишбой Бекмуратов. – Аслида балиқни сувга қўйиб юбориш билан иш битмайди. Уни боқиш, касалликлардан сақлаш, насл қолдирувчи балиқларнинг зот сифатини яхшилаш ва янги турларини иқлимга мослаштириш керак.

Корхона тасарруфида дарёоралиқ ҳавзасига кирувчи «Кўксув», «Олидарё» ва «Торф» кичик кўллари бор. Ҳар йили 80-90 тонна балиқ овланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Тўртта бригадага уюшган 70 нафар балиқчилар кечаю-кундуз тиним билишмайди.

– Балиқ овлашнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор, – дея суҳбатни давом эттиради Байрам Қолиев. – Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси буйруғи билан жорий йилнинг 1 апрелидан 1 июнигача бўлган муддатда балиқ овлаш тақиқланади. Чунки бу пайт балиқларнинг урчиш мавсумига тўғри келади.

Тажрибали балиқчилар Арслонбой Жийимуротов, Жолғасбой Ембергенов, Бўронбой Абдимуротов, Боқибек Яқибековлар ҳар бир юмушни виждонан адо этиш билан бирга ноқонуний овчиларга қарши кураш олиб боришаяпти.

Туман ҳудудидаги ички сув ҳавзаларида балиқ мўл. Уни янада кўпайтириш эвазига жамият жамоаси йилига 1,5 миллион қути консерва ишлаб чиқарадиган кичик корхона фаолиятини йўлга қўйиш ниятида.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда балиқларнинг 80 дан ортиқ тури учраса, шундан Орол баҳриси, Орол сулаймони, Сирдарё курак буруни, Амударё катта ва кичик курак буруни сингари 18 хили «Қизил китоб»га киритилган. Оролбўйида сазан, дўнгпешана, чипор дўнгпешона, оқ амур каби ўтхўр балиқларни сунъий урчитиб, кўпайтириш чоралари кўрилаяпти.

Тумандаги «Қозоқдарё» балиқчилик хўжалиги мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб, «Жилтирбос» кўлини ўн йил муддатга ижарага олган. Бултур масъулияти чекланган жамият аъзолари 1300 центнер балиқ етказиб бериб, 49 миллион сўм даромад олган эди. Ҳар ойда 10-11 тонна балиқ овланаётган жамоада меҳнатдаги муваффақиятлар янада кўпаймоқда.

Халқимиз табиатнинг бу қимматли неъматини луқмаи ҳалол, деб атайди. Шифокорларнинг таъкидлашича, ҳар бир киши саломатлиги учун йилига 9-11 килограмм балиқ истеъмол қилиши зарур.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## Назорат

**_Мустақиллик туфайли ишбилармонликка кенг йўл очилди. Хусусан, тадбикорларнинг ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш борасида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарор ва Фармонлар эълон қилинди. Лекин, айрим тадбиркорлар тўғри ва равон йўл туриб, қонунга хилоф иш тутишмоқда._**

# ИНСОФСИЗГА ЭРК БЕРСАНГ

Масалан, Ангор туман «Янги турмуш» маҳалласида яшовчи Абдулҳамид Максимқулов ўз ҳовлисида яширин равишда қўлбола мойжувоз ўрнатган. У мўмай даромад олиш мақсадида тегишли жойлардан рўйхатдан ўтмасдан фаолият олиб борди. Албатта, солиқ тўламасдан, бунинг устига талабга жавоб бермайдиган маҳсулотни фалон нархда сотиш тадбиркорга яхшигина фойда келтирди. Бироқ, кўза кунда эмас, кунида синади. Олинган маълумотларга биноан ўтказилган текширишда Абдулҳамид Максимқуловдан ёғ ишлаб чиқарадиган мослама, 70 килограмм кунжара, 30 килограмм ёғ далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Суд ҳукмига кўра тадбиркор 235 минг сўм жаримага тортилди. Шунингдек, Жарқўрғон шаҳар Улуғбек кўчаси, 59-уйда яшовчи фуқаро Даврон Холмуродов хонадони кўздан кечирилганда, 3219 килограмм чигит, 100 килограмм кунжара, 100 литр пахта ёғи, 700 килограмм азот ва мойжувоз борлиги аниқланди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Ангор туман «Қорасув» ширкат хўжалигида яшовчи Р.Қодиров бошқармамизга шикоят билан мурожаат қилмаганда, жамоадаги хуфиёна ишлар ёпиқлигича қолиб кетарди. Шу хўжаликда чорвачилик бўйича оилавий пудрат бошлиғи бўлиб ишлаётган Бахтиёр Зойиров қаровидаги 40 бош сигирни қинғир йўллар билан талон-тарож қилган. Тугатиш комиссияси аъзолари ва чорва мутахассислари эса мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишдан чўчишмаган. Натижада ширкатга кўп миқдорда зарар етказилган. Мазкур ҳолат бўйича Б.Зойиров, Э.Жабборов, И.Садатовларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан қонун ҳимоячилари олдида ер чизиб қолишмоқда. Шу йил 6 март куни Узун-Тошкент йўналиши бўйича келаётган 30 Д 0631 давлат рақамли автобус тўхтатилганда, Ойбек исмли шахс акциз маркасиз, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 1600 қути «PINE» сигаретини олиб келаётганлиги аниқланди. Худди шу куни Термиз-Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенц-0303» русумли, 19 К 0600 давлат рақами бўлган автобус ҳайдовчиси В.Синяев ҳам 2930 қути «PINE» сигаретини ноқонуний равишда олиб кетаётган пайтида ушланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини бажариш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Термиз туманида фаолият юритиб келаётган Ш.Қурбонов номидаги «Сурхон-Базел» хусусий фирмаси раҳбари А.Тоиров туман ҳокими ўринбосари вазифасини бажарувчи шахснинг имзосини қалбакилаштириб, 73 миллион 500 минг сўмлик товар айланмасини ноқонуний, улгуржи тарзда амалга оширган. Термиз шаҳридаги «Дилшодбек-бахт» хусусий корхонасида бошқармамиз ходимлари томонидан қисқа муддатли текширув ўтказилганда, янада қизиқарли ҳолатлар маълум бўлди. Корхона раҳбари С.Жумаев шаҳар ҳокимлигидан рухсатнома ва лицензия олмасдан, қалбаки ҳужжатлар билан шу йил 13 февралдан 24 февралгача 746 миллион 900 минг сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи тарзда сотганлиги маълум бўлди. У савдодан тушган 12 миллион 300 минг сўмни ўз манфаати учун ишлатиб юборган.

«Қовун-қовундан ранг олади», деганларидек, Шеробод туманидаги «Чуқуркўл» маҳалласида яшовчи «тадбиркор» Муҳаммади Норматов ҳам ноқонуний равишда спиртли ичимликлар сотиб келган. Унинг фаолиятига чек қўйилиб, 265 минг сўмлик спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олинди. Энди ҳуқуқбузар тегишли қонунларга кўра ўз жазосини олади.

**М.МУҲАММАДИЕВ.**
**Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси**



# АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Айни пайтда ҳаётимизни телефон хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қулай, узоқни яқин қилувчи телефонлар бугун турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланган.

«Тошкенттелеком» вилоят бўлимининг Янгийўл телекоммуникация боғламасида аҳоли талабини қондириш, уларга намунали ва сифатли хизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда тармоқ энг илғор мамлакатларнинг техника воситалари билан жиҳозланган. Жанубий Кореянинг «ДЭУ», Хитойнинг «Хуавей» компанияси технологиялари шулар жумласидандир. Шунингдек, абонентларнинг Япониянинг JBIC лойиҳаси бўйича шиша толали оптик кабелга уланиши янгийўлликларга ўз уйидан туриб дунёнинг исталган нуқтаси билан мулоқотга киришиш имконини берди.

Шу кунларда янги линиялар қуриш, мавжудларини эса мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратларда: электрон алоқа муҳандиси Умида Утабоева ҳамда катта электро-механик Светлана Валетдинова; телекоммуникация боғламаси бошлиғи Жумабой Бўтаев, АТС муҳандиси Ирина Хуснутдинова билан.**



## Янгилик

# ТОҒ ЙЎЛИ РАВОН БЎЛАДИ

**_Тошкент - Термиз магистрал йўлининг Ғаллаорол тумани ҳудудига кириш қисмида йўлсозлик ишлари бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида тоғ ён бағри кесилиб, сойлик устида қурилажак кўприкнинг таянч устунлари тикланди._**

Ушбу ҳудудда автомобил қатнови бирмунча қийинчиликлар туғдирар, тезлик ҳам чекланган эди. Эндиликда йўлнинг 15 километрга яқин қисми тоғнинг орқа томонидаги текислик орқали ўтади. Бу эса маҳаллий аҳолига ҳам, йўловчи ва ҳайдовчиларга ҳам қулайликлар яратади.

Йўлсозлик ишлари Республика Йўл фонди буюртмаси билан «Ўзавтойўл» акциядорлик жамияти ўтказган тендерда ғолиб чиққан «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси томонидан жадал суръатда олиб борилмоқда.

- Йўл қурилишини шу йил ноябр ойида туғаллашни режалаштирганмиз, - дейди корхона бош инженери Тоир Жўраев. - Шу боис ишни уч сменада ташкил этиб, суръатни тобора кучайтирмоқдамиз.

**(ЎзА)**

## Қонун олдида барча баробар

**_Инсоният босиб ўтган узундан узоқ йўл меҳнат жараёнидан иборатдир. Одам ўзининг жамики бойликларини фақат меҳнат туфайли яратади. Шу боис кишилар меҳнатни қадрлайди, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайди._**

# МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислоҳотлар кенг қамровда олиб борилаётир. Фермерлик ҳаракатига эътибор қаратилиб, ернинг ҳақиқий эгаларига бўлиб берилиши, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туманимизда мавжуд ширкат хўжаликлари ўрнида 1134 та фермер хўжаликлари тузилган бўлиб, деҳқонларимиз пахта, ғалла етиштириш ва бошқа мажбуриятларни вилоятда биринчилардан бўлиб бажаришмоқда. Моддий манфаатдорлик ошган сайин 56 та маҳалла ва 197 та қишлоқларнинг деярли барчасида ҳомийлик ишлари бошлаб юборилган.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, мақсадли, кам фоизли кредитлар олишда кўмаклашиш, фермерларга ажратилган минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотидаги узилишлар олдини олиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бироқ, шунга қарамай, бу борада айрим муаммолар кўзга ташланиб қоляпти. Бунга туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси фаолияти мисол бўла олади. "Қирққийгитлик Олим-Бобур" номли ҳамда 6 та юридик мақомга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ушбу идоранинг жабрдийдалари бўлишган. Туман прокуратураси инспекция бошлиғи А.Бобоновга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатди.

Бундан ташқари, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишда талайгина талон-тарожликлар юзага чиқиб қолди. Масалан, собиқ Туркистон ширкат хўжалиги ер тузувчиси Ҳалилов мазкур хўжаликнинг Учтепа қишлоғида жойлашган, қишлоқ хўжалик экинлари экилиши лозим бўлган 161-контурдан В.Ширнаев, Н.Адашев, З.Ҳасановларга 0.8 гаерни 1 миллион 125 минг сўмга сотганлиги аниқланди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг замирида аввало, инсон манфаатлари ётади. Шундай экан, эртанги кунимизнинг янада нурафшон бўлиши бугунги ҳаракатимиз, меҳнатимизга боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

**Акмал ИМОМОВ,**
**Иштихон туман прокурори**

## МАСЛАҲАТХОНА

**_Савол: 57 ёшдаман. Умумий иш стажим 38 йил, 11 йил болалар етакчиси (пионер вожатий), 3 йил куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси бўлиб ишлаганман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?_**

**Б.АВЛАЕВ,**
**Деҳқонобод тумани**

**Жавоб**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлганда имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. 1994 йил 5 сентябрдан Меҳнат Вазирлигининг 9-28-сонли ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлигининг 05-1411-сонли тушунтириш хатида юқоридаги қарорга қўшимча тариқасида бир қанча лавозимлар рўйхати киритилган. Унга кўра куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари ҳам имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Йўлдош АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси**

## Нуқтаи назар

# ҒОВ БЎЛМАНГ!..

«Инъом» савдо базаси ҳиссадорлик жамиятининг 75 фоиз акциясини сотиб олди. Кейинчалик россиялик ҳамкорлар билан истиқболли шартнома тузилиб, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш ва қайта ишлаш ҳамда чойшаб, сочиқ ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келинди. Хусусан, ун ва гуруч оқлаш, пахта титиш цехлари очилди. Балиқчилик хўжалиги ривожлантирилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга киришилди. Аммо «Гулнур» хусусий фирма жамоаси осмонида кутилмаганда қора булутлар пайдо бўлди. Барча юмушлар изга тушиш арафасида негадир турли ташкилотлардан ҳар хил текширувлар кўпаяверди. Бири кетса, бошқаси келаверди.

Хусусий фирма раҳбари Фарҳод Қурбоновнинг таъкидлашича, «Оролсувқурилиш» тресты таркибидаги «Инъом» савдо базаси ҳиссадорлик жамияти (ҳозирги номи «Нафис-нур» масъулияти чекланган жамият) аслида номи бор-у, ўзи йўқ. Қаровсизликдан бор-буди кимлардир томонидан талон-тарож қилинган.

— Беш йилдан буён фаолият юритиб келамиз, аммо шу ташкилотнинг бирорта ишчиси ёки мутасаддиси бу жойга келганини ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланганини билмаймиз, — дейди у. — Аксинча, қачонлардир ўша корхонадан бўшаб кетган айрим кишиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли гарчи қўлимизда масъулияти чекланган жамиятнинг 75 фоиз акция пакети бўлса-да, ўзимиз барпо этган цехларни уч мартадан кимошди савдосида сотиб олдик. Аммо мутасадди ташкилотлар масалага узил-кесил нуқта қўйишга шошилмаётгани жамоамизни таажжублантирмоқда. Фаолиятимизга тўсиқ бўлаётган «Нафис-нур» масъулияти чекланган жамиятининг собиқ мутасаддилари иш юритишни билмасликлари етмагандай, давлат тасарруфидаги «Камаз», «Нексия», «Дамас» каби машиналарни кимошди савдосига қўймасдан, арзонгаровга сотиб юборишгани билан ҳеч ким қизиқиб кўрмаётгани ҳам кишини таажжубга солади. Пулини ҳам ҳеч жойга кирим қилишмаган. Буни аудит тафтишлари тасдиқласа-да, ҳеч ким лом-мим демаётганини айтмайсизми?..

Амалдаги қонунларда тадбиркор фаолиятига ортиқча аралашувларга чек қўйиш тўғрисида белгиланган бандлар бўлишига қарамай, кейинги икки йил оралиғида «Гулнур» хусусий фирма жамоаси турли ташкилотлар томонидан ўн марта текширилган ва ҳатто, иш судгача бориб етган. Ўз-ўзидан бу ишчи кайфиятига таъсир этиши табиий ҳол. Агар корхонанинг ана шундан кейинги даврдаги ишлаб чиқаришига разм ташланса, аҳвол кўринади-қолади. Айтайлик, 2004 йили бу ерда 50 нафар киши иш билан банд бўлишига қарамай, атиги 5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган, холос. Якунланган йилда эса бу кўрсаткич 6,5 миллион сўмни ташкил этди. Ваҳоланки, катта маблағ ҳисобига четдан келтирилган дастгоҳлар бир йилда 24 — 30 миллион сўмгача соф даромад келтириши мумкинлиги дастлабки мавсумдаёқ исботланган.

Хўш, Оролбўйида шундай ишлаб чиқариш корхоналари кўпаяверса, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаб, уларни ҳунарли қилса, одамларга наф келтириб ҳам ўзи, ҳам бошқаларни бойитса, бундан кимга фойда-ю, кимга зиён, деган ҳақли савол туғилмайдими?

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, номлари юқорида зикр этилган қўшимча линиялар ишга туширилса, камида яна 300 нафар киши доимий иш билан банд бўлади. Қанча-қанча ободонлаштириш ва ижтимоий масалаларни рўёбга чиқаришга қўл урилади.

Шу боис корхонага қонун доирасида ёрдам бериш керак.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Фуқаролик судлови амалиётидан

**_ФПКнинг 314-моддаси талабларини бузиб, ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалани ҳал қилганлиги уй-жой низоси юзасидан қабул қилинган суд қарори бекор бўлишига ва ишни янгидан кўришга юборилишига сабаб бўлган._**

# НИЗО ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Даъвогар З. Камалов жавобгарлар Ш. Камалова, А. Садриев ва Гулистон шаҳар давлат нотариал идорасига нисбатан 2004 йил 19 апрелда даъво қўзғатиб, унда у онаси Қумри Камалова билан Гулистон шаҳри 4-мавзедаги 51-уй 25-хонадонда яшаб келган. 1998 йил 17 мартда онаси вафот этганидан кейин синглиси Ш. Камалова, унинг жиноий жавобгарликка тортилганлигидан фойдаланиб, бошқа меросхўрлар борлигини яшириб, 2001 йил 21 декабрда низоли уйга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олган. У шу уйни 2001 йил 29 декабрда А. Садриевга сотган ва қонун бўйича биринчи навбатдаги ворис бўлганлиги туфайли Ш. Камалова номига берилган мерос ҳақидаги гувоҳномани, Ш. Камалова билан А. Садриев ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилиб, А. Садриевни оила аъзолари билан низоли уйдан чиқаришни сўраган.

Фуқаролик ишлар бўйича Оқолтин туманлараро судининг 2004 йил 25 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, олди-сотди шартномаси бекор қилинган, А.Садриев оила аъзолари билан низоли уйдан мажбурий тартибда кўчирилган ва З. Камалов билан Ш. Камалова низоли турар жойга нисбатан тенг улушдаги меросхўрлар деб топилганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2004 йил 25 августдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 207-моддасига кўра, суд ишни даъвогар арз қилган даъво талаблари доирасида ҳал қилади.

Лекин З. Камалов ёки Ш. Камалова томонидан меросхўр деб топиш ва улушларни тақсимлаш ҳақида талаблар арз қилинмаган бўлса-да, суд уларни низоли уйга нисбатан тенг улушли меросхўрлар деб топиб, қайд этилган қонун талабларини бузган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2001 йил 14 сентябридаги қарорининг 5-бандида** мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириш, суд тартибида ҳал қилиниши ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлигича ишга жалб қилиниши лозимлиги **баён этилган.**

Суд эса жавобгар А. Садриевни ва унинг вояга етган оила аъзоларини ишга жавобгар сифатида жалб қилмасдан, уларни кўчириш масаласини ҳал қилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 314-моддаси 2-қисми 2-бандига кўра иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарори ёки ажрим бекор қилинишига асос бўлади.

Шу сабабли суд қарорлари назорат тартибида келтирилган протестга асосан бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун юборилган.

Иш Гулистон туманлараро судида янгидан кўриб чиқилишида барча ҳолатлар тўлиқ текширилиб, тарафлар ўртасида келишув битими тузилиб, низо ўз ечимини топди.

**Насриддин КАРИМОВ,**
**Республика Бош прокуратураси судларда фуқароларнинг ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари,**
**Довуд МАДИЕВ,**
**журналист-ҳуқуқшунос**

## Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан

**Асосий вазифаси ўз аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишдан иборат бўлган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Якинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида изланишлар олиб бораётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадқиқотлари натижаларини юзага чиқариш мақсадида Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ўтказилди.**

# БУЮКЛАР ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ




Унда қатнашиш иштиёқини билдириб, ўз маърузалари тезисларини юборган ёш олимларнинг турли соҳаларга оид янги илмий изланишлари натижалари, фикр ва мулоҳазаларининг қисқача баёни жамланган тўплам иштирокчиларга тарқатилди.

Президентимиз Фармонига биноан Хива шаҳрида ташкил қилинган Маъмун академиясининг минтақавий бўлими бугунги фанимиз, айниқса, ёшларимизнинг чин маънодаги тафаккур мактабига айланди. Ҳозирги вақтда ушбу илм-фан даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология муаммолари бўлимлари 9 та илмий мавзу бўйича фаолият кўрсатмоқда. Уларда 26 нафар илмий ходим, жумладан, 5 нафар фан доктори ва 9 нафар фан номзоди буюк аждодларимизга муносиб равишда мамлакатимиз илм-фани тараққиёти йўлида хизмат қилишмоқда.

Мамлакатимиз бой тарихга эга бўлган илм-фан соҳаси туфайли жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ёш олимларимиз ҳам бу борада самарали фаолият кўрсатиб, тадқиқотлари натижаларини турли соҳаларда жорий этмоқдалар.

Кишилик цивилизациясининг кўҳна бешиги бўлмиш Хоразмнинг тарихи жуда бой меросга эга бўлиб, минг йилларга бориб тақалади. Шарқ гавҳари Хиванинг 2500 йиллиги, қомусий китоб "Авесто"нинг 2700 йиллиги, миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик саналари жаҳон миқёсида кенг нишонланганлиги бунинг яққол исботидир.

Бундан минг йил аввал бу муқаддас заминда "Дарул ҳикма ва маъриф" ёки "Мажлиси уламо" номи билан машҳур бўлган Шарқнинг йирик илмий маркази вужудга келган. Бу ерда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби кўплаб илм соҳиблари, донғи етти иқлимга кетган олиму фузалолар турли фан йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, жаҳон илм-фанида улкан кашфиётлар яратишди.

Хоразм Маъмун академияси олимларининг сардори Абу Райҳон Беруний ёш бўлишига қарамасдан, илмий жараёнга раҳнамолик қилган.

Абу Али ибн Синонинг етук аллома бўлиб шаклланишида ҳам Маъмун академиясининг ўрни беқиёс. Эндигина 25 ёшга тўлган Ибн Сино илм аҳли орасида таниқли бўлса-да, синовдан ўтгандан сўнг, Беруний тавсиясига кўра, академияга қабул қилинган.

Ёш олимлар халқаро илмий конференциясининг Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб шу азим диёрда ўтказилиши ҳам рамзий маънога эга.

Конференцияни Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров очди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Саидахрор Ғуломов, таниқли адиб Эркин Самандар сўзга чиқдилар. Шунингдек, Россия, Белоруссия, Арманистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан ҳам илм аҳллари ўз маърузалари билан иштирок этдилар. 497 нафар ёш олимлар ўз илмий изланишлари бўйича тайёрлаган тезислари билан қатнашди, улардан 80 нафари шўъбалар мажлисида маъруза қилди. Конференциянинг ялпи мажлисида республикада таниқли фан арбобларининг маърузалари тингланди.

Анжуман қатнашчилари Маъмун академиясининг илмий фаолияти билан яқиндан танишиб, Хива шаҳридаги қадимий ёдгорликларни зиёрат қилишди.

**Ш.АЛЛАМУРАТОВ,**
**биология фанлари доктори**

## Қишлоқ санъаткорлари



Фориш тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ўнлаб бадиий ҳаваскорлик дасталари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири «Боғдон гуллари» мақомчилар гуруҳи. Унга 40 нафар иқтидорли ҳаваскор ёшлар жалб этилган. Асосан мумтоз халқ қўшиқларини тараннум этувчи бу даста туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашмоқда.

***Суратда: даста иштирокчиларидан бир гуруҳи.***

**Б.НОРҚУЛОВ**
**олган сурат**

## НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

Мамлакатимизда Марказий Осиё халқлари тилларида ўқув адабиётларини чоп этиш кенг йўлга қўйилган. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйи ҳам ана шу йўналишдаги дарсликларни чиқаришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Нашриёт янги ўқув йилига армуғон сифатида бундай ўқув адабиётларидан бир нечасини босмага тайёрлади. Таълим қозоқ, тожик, туркман, қирғиз тилларида олиб борилаётган мактабларни «Адабиёт» дарсликлари билан қуроллантириш мақсадида ҳам хайрли иш амалга оширилди. Тажрибали ўқитувчи ва педагог олимлар томонидан яратилган бу янги нашрлар матбаа безаги, мундарижаси билан ҳам ажралиб туради.

**Малоҳат РАҲМОНОВА**


# «SHARQ TARONASI»

**Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий мажлиси 2006 йил 30 июн куни соат 10.00да Тошкент шаҳар, Мараимова кўчаси, 58 уйда ўтказилишини маълум қилади. Акциядорлар реестри 2005 йил 30 май ҳолатига ёпилади.**

**Кун тартиби:**

1. Кузатув Кенгаш раиси ҳисоботини тасдиқлаш
2. 2005 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида бош директор ҳисоботини ва 2006 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
3. 2005 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудитор ва тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Бухгалтерия баланси, 2005 йил учун фойда ва зарар ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Фойдани тақсимлаш, дивидент миқдорини ва тўлаш формасини тасдиқлаш.
6. Бош директор билан шартномани 1 йил муддатга узайтириш.
7. Жамият Уставига ўзгартириш киритиш.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Тафтиш комиссиясини аъзоларини сайлаш.
10. Жамият аудиторини тасдиқлаш.

| Баланс ОАЖ «SHARQ TARONASI» | | 01.01.2006 |
|---|---|---|
| **Актив:** | (01.01.2005) | (01.01.2006) |
| 1. Узоқ муддатли активлар | 139 358 | 130 618 |
| 2. Айланма активлар | 30 577 | 53 625 |
| **Баланс** (сатрлар жами 190,390) | 169 935 | 184 243 |
| **Пассив:** | | |
| 1. Узоқ муддатли маблағлар манбалари | 153 172 | 171 465 |
| 2. Қисқа муддатли пассивлар | 16 763 | 12 778 |
| **Баланс** | 169 935 | 184 243 |

**ОАЖ «SHARQ TARONASI»**
**Кузатув Кенгаши**


## Турмуш чорраҳаларида

**Якинда ўрта мактабда бирга ўқиган дўстимни учратиб қолдим. У ниҳоятда тушкун кайфиятда эди. Сабабини сўрашга негадир истиҳола қилдим. Аксига олиб ўзи ҳам ёрилмади. Орадан чамаси бир ойлар ўтгач, турмуш ўртоғини кўрдим. Унинг кўриниши ҳам илгаригидек эмас. Шўх-шодонлик, шиддат йўқ...**

# ТИЛЛА ЗИРАК



**ёки тириклигимизда сажда қилган буюмларнинг ўтганимиздан кейинги қадр-қиймати ҳақида**

— Уйдагилар яхши юришибдими, — дея сўрадим ундан.

— Биласизми, яқинда бир воқеа бўлди-ю, оиламиздан барака кетгандек,— деди у уф тортиб.

Маълум бўлишича, отасининг вафотидан сўнг дўстимга янги машина мерос қолибди. Ана шу автомобил ака-укалар орасида талаш бўлиб, иш ҳатто судгача етиб борибди.

— Ер ютсин машинани. Шу арзимаган матоҳни деб илгари ҳамма ҳавас қиладиган ака-укаларнинг ўртасига совуқчилик тушди. Бунинг устига ўртоғингиз оғир инфарктни ўтказдилар. Ҳозир қайниларим билан борди-келди қилиб турган бўлсак-да, лекин муносабатимиз илгаригидек эмас.

Аёлнинг гапларини эшитиб ўйланиб қолдим. Нима бу? Мол-мулк деганда оқибатни ҳам унутишми? Ака-укалар ўртасидан оқибат кўтарилиши учун бор-йўғи битта машина кифоя қилибди, холос.

Шуларни хаёлимдан ўтказар эканман, бир воқеа ёдимга тушди. Ўша вақтда «Халқ сўзи» таҳририятида ишлардим. Хонамизга ёшгина бир аёл кириб келди. Хол-аҳвол сўрагач, у аста сўз бошлади.

— Исмим Ҳадича. Бувимларнинг қўлида ўсдим. Онам ёшлигимда вафот этган. Дадам эса бошқаси билан турмуш қуриб, бола-чақалик бўлиб кетди. Беш йил илгари мен ҳам турмуш қурдим. Бувим, эрим, икки нафар фарзандим бирга яшардик. Бир куни бувим мени чақириб:

— Сендан мингдан-минг розиман, қизим. Илоҳим, фарзандларингнинг роҳатини кўргин. Вақти қазоим етса, мана шу бир жуфт зирак мендан сенга хотира, тақиб юрарсан, — деб васият қилдилар.

Дадам онасидан дастлаб онда-сонда хабар олиб турарди. Кейинчалик умуман келмай қўйди. Якинда бувимни тупроққа қўйдик, — деди Ҳадича. — Ўзингиз биласиз, таъзияли жойда келди-кетди кўп бўлади. Шу орада зирак йўқолиб қолди. Қидирдик. Бефойда. Кейинчалик билсам, дадам олиб кетган экан. Ёдгорлик ахир. Шу сабабли бир неча бор дадамга зиракни берсангиз, дея илтимос қилдим. Лекин у киши унамади.

У қуйилиб келаётган кўз ёшини артар экан:

— Дадамнинг бу нарсага ҳеч муҳтожлик жойи йўқ, ўзига тўқ яшашади, — деб қўшиб қўйди.

Мен Ҳадичани тинчлантирдим. Уч кундан сўнг учрашишга келишдик.

Белгиланган вақтда унинг отасиника йўл олдик. Ҳайҳотдек иморат. Олтмиш ёшлар чамасидаги ориққина бир киши бизни хўмрайибгина кутиб олди. Муддаомизни эшитгач, фиғони фалакка чиқди.

— Ҳали ўз отангнинг устидан шикоятбозлик қилиб юрибсанми? Оқ қилдим сендай фарзандни! Қилган яхшиликларимни билмасанг, кўр бўласан. Касалхонада ётганингда кўргани борганим ёдингдан чиқдими? Хайф сендек қизга...

Унинг бу гапларини эшитиб, Ҳадича хўнграб юборди.

— Дадажон, касалхонада ётганимда кўргани борганингиз тўғри. Лекин, бувим оғир ётганида бирон марта хабар олдингизми?

Отанинг пешонаси тиришди.

— Отангга туҳмат қилясанми?

— Жуда бўлмаса бувимдан қолган ёдгорликни беринг дадажон, — деди Ҳадича.

— Бекорларни айтибсан. Икки дунёда ололмайсан. У менинг онам бўлади, сен бор-йўғи унинг набирасисан, холос. Борадиган жойингга боравер.

Ота ва қизнинг ўртасига тушиб, уларни келиштиришга қанчалик ҳаракат қилмай, бари зое кетди.

Ҳадича билан кўчага чиқдик. Унинг йиғлайвериб кўзлари қизариб кетганди.

— Бермасалар керак деб ўйлагандим,— деди у ниҳоят. — Нима қилай ахир, ўз отам.

Шу пайт кўчага ёшгина бир йигитча югуриб чиқди. Ҳадича билан қучоқлашиб кўришаркан:

— Опажон, дадамдан хафа бўлманг. Мана сизга ўша зиракнинг пули, — дея бир даста пул узатди. — Биз синглим ва ойим билан маслаҳатлашиб шунга аҳд қилдик.

Ҳадича ўзини зўрлаб жилмайди.

— Укам Санжар, — деб таништирди йигитни. Кейин қўшиб қўйди. — Пулингни олиб қўй. Мен бунинг учун эмас, бувимдан қолган ёдгорликни сўраб келгандим.

— Биздан хафа эмасмисиз, опа, — журъатсизгина сўради йигитча.

— Йўқ, нимага ҳам хафа бўлай. Сен яхши йигитсан, — у шундай дея йигитнинг пешонасидан ўпиб қўйди.

Шу пайт Ҳадичага ниҳоятда қийинлигини сезиб турардим. Отанинг қизига қилган муомаласидан мен ҳам эзилиб кетгандим.

— Мени қийнаётган нарса, ўткинчи дунёда молмулкка, зебу зийнатга нега бунча ҳирс қўямиз. Биласизми, бўлиб ўтган бу воқеани газетага ёзишнинг кераги йўқ. Мабодо дадам фикридан қайтиб қолса... Йўқ, унда бундай одат йўқ.

Ҳадича билан хайрлашдик.

Орадан анча йиллар ўтди. Бир куни эски шаҳарга тушгандим. Бир йигит келиб мен билан сўрашди. Дастлаб танимадим. У Санжар эди. Бир чойнак чой устида суҳбатлашдик. Гап бориб зиракка тақалди.

— Бундан ўн олти йил аввалги ўша воқеадан ҳалигача ҳижолатдаман. Дадамнинг ўша вақтда қилган муомаласини кўриб биз жуда қийналдик. Шу зиракни деб опам билан орамизга совуқчилик тушди.

Мен Санжардан дадасининг соғлиғини сўрадим. У бош эгиб, астагина:

— Дадамнинг ўтганига беш йил бўляпти, — деди ва қўшиб қўйди. — Ҳадича опам билан борди-келдимиз жойида. Жиянларим ҳам катта бўлиб қолишди.

Кетар олдидан Санжар мендан сўраб қолди:

— Нега тириклик вақтида кишилар арзимаган нарса учун талашиб-тортишишар экан-а. Молу дунё ҳаммадан ҳам қолиб кетади-ку.

Айни пайтда мен ҳам худди шу нарса ҳақида ўйлардим...

**Неъмат РАФИҚОВ**

# Спорт + футбол

*Футбол*

### РОББЕН: «ЭНГ ЯХШИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН»



«Челси» ва Голландия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Арьен Роббен оммавий ахборот воситалари саволларига жавоб бериб, яқинлашиб келаётган жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинчиси бўлишга қодир эканлигини айтди. Буни пушти ранглилар мураббийси Марко Ван Бастен ҳам тасдиқлади. Роббен бу фикрни давом эттириб шундай деди:

— Мураббийимнинг сўзлари мен учун ҳеч қандай босим вазифасини ўтамайди. Менинг ниятим битта: жаҳон чемпионатида энг яхши ўйинчи бўлишни истайман ва бунга эришаман ҳам.

### МАШҒУЛОТЛАРДА 12 МИНГ ТОМОШАБИН



Одатда баъзи чемпионат учрашувларини томоша қилгани нари борса шунча мухлис ташриф буюради. Машғулотларни эса...

Лекин Германиянинг Гютерслох шаҳрида Луиз Фелипе Сколари шогирдларининг навбатдаги очиқ машғулотини кўргани стадионга 12 минг томошабин келди. 60 дақиқа давом этган машғулот чоғида португалияликларнинг мухлислари ўз севимлиларини тинмай олқишлаб туришди.

Жамоа вакилининг айтишича, 2006 йилги мундиалгача португаллар яна иккита шундай машғулот ўтказадилар. Эслатиб ўтамиз, Евро-2004 кумуш совриндорлари 11 июнда Ангола терма жамоаси билан куч синашадилар.

### БАРЧА ХАВФ ДРОГБАДАН



Бутун фикр-ўй ҳозир Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига қаратилган бир пайтда бундай лутфларни эшитиш ажабланарли туюлмаса керак.

Аргентина терма жамоаси ҳимоячиси Габриэл Хайнценинг фикрича, биринчи учрашувда энг катта хавф Дидье Дрогба тарафидан содир этилиши мумкин.

— Дрогба — буюк футболчи, у буни тинмасдан исботлаб келяпти, - деди у. — Унинг томонидан амалга ошириладиган хавф-хатардан ҳар лаҳзада огоҳ бўлиш тақозо этилади.

### УЧ МИЛЛИАРД ЕВРО — КАМ ЭМАС-А?

Жаҳон чемпионатини ўтказиш туфайли Германия иқтисодчиларининг камтарона ҳисоб-китобларига кўра, уч миллиард евро ишлаб олиниши мумкин. Бу рақам мамлакат иқтисодиёт вазири Михаэль Глос томонидан айтилганининг ўзиёқ масала моҳиятини англатади. Айниқса, туризм, транспорт, маиший электроника ва спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳалар катта фойда олиши тахмин қилинмоқда.

*Баскетбол*

### ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ



Литва терма жамоасининг собиқ марказий ҳужумчиси Эурелиус Жукаускас мамлакат чемпиони «Летувос Ритас» клуби билан шартнома имзолади. Баскетболчи ўтган мавсумни Грециянинг «Олимпиакос»и да ўтказди.

Аслида ўтказди деган сўз ҳам ноўрин. У жароҳати туфайли бор-йўғи икки матчда иштирок этди, 7 очко жамғариб, 7 очколик хавфни қайтарди. Шу холос.

Гап-сўзларга қараганда, «Летувос Ритас» клуби Марьонас Петравичусни ҳам ўз сафига тортиш ниятида.

*Хоккей*

### ГРЕТЦКИ ЎЗИГА ҲАМРОҲ ТАНЛАДИ



Машҳур Уэйн Гретцкини ким билмайди? Канада хоккейининг ёрқин юлдузи айни кунларда ўзини мураббий сифатида намоён этмоқда. У яқинда «Финикс» билан беш йиллик шартномани имзолади ва Стенли кубогини қўлга киритишга сўз берди. Гретцки буни швециялик Ульф Самуэльссон билан амалга оширишга аҳд қилган кўринади. Ва айнан ушбу легионерни командага иккинчи тренер сифатида таклиф этди.

Ульф Самуэльссон 42 ёшда. У шунинг 17 йилини Шимолий Америка хоккейига хизмат қилдирди. У «Хортфорд», «Питтсбург», «Детройт», «Филадельфия» ва «Рейнджерс» клубларида жами 1080 матчда қатнашди. Икки марта энг нуфузли соврин — Стэнли кубогини қўлга киритди.

Ўтган қиш фаслида Уэйн «Нью-Йорк» фарм клубида иккинчи мураббий сифатида ўзини синовдан ўтказди.

*Бокс*

### ВАЛУЕВ МУХЛИСЛАРИДАН МАМНУН



WBA йўналиши бўйича оғир вазнда жаҳон чемпиони Николай Валуев ўз унвонини Оуэн Бекка қарши жангда муваффақиятли ҳимоя қилгач, интервью берди:

— Биринчи навбатда мухлисларимга миннатдорчилик билдирмоқчиман, — дейди у. — Мени қўллаб-қувватлаганликларини асло унутмайман. Барчага раҳмат! Айнан ана шу руҳий мададни ҳис қилганим учун ҳам ўзимни қушдек енгил ҳис қилдим. Бу эса охир-оқибатда ғалаба қозонишда менга қўшимча куч-қувват берди.

**Интернет хабарлари**
**асосида тайёрланди**


**Ishonch**

**МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - И.Каромов
Мусаҳҳиҳ -Н.Юлдашев
Навбатчи - Ю.Очилдиев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15164

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Буюртма Г— 714

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.10